Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 6 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 15 (5612).
Баҳоси сотувда 60 тийин.

Фармон ва ижро

МАДАД

СУҲБАТДОШ: Бўз ноҳия халқ таълими ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси, олий тоифали методист-ўқитувчи, жумҳурият халқ маорифи аълочиси Каримжон ЗИКИРОВ.

МАВЗУ: «Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ноҳия ўқитувчиларига кўрсатилаётган иқтисодий ва маънавий ёрдам ҳамда айрим муаммолар».

САВОЛ: — Маълумки, Коммунистик фирқа инқирозга учради. Мактабларда-ги ва, умуман, маориф тизимимизда унинг ташкилотлари тарқатиб юборилди. Эндиликда жамоат ташкилоти сифатида касаба уюшмаларининг фаолияти асосий ўрингa кўтарилди...

ЖАВОБ: — Саволингиз тушунарли. Дарҳақиқат, касаба уюшмалари ҳозирги кундаги энг серқирра фаолиятли, кенг кўламли, ҳамма учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ташкилотдир. Биргина ноҳиямиз халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари атрофига 2 мингдан ортиқ ҳамкасбимиз жипслашган. Касаба қўмитамиз уларнинг фаолиятини ҳар тарафлама уюштириб бормоқда.

САВОЛ: — Мени бир нарса ҳайратга солади. Ўқитувчилар ойлиги оширилаётганлиги, иқтисодий аҳволи яхшиланиб бораётганлиги ҳақида кўп гапирилянти. Аммо амалиётда тамомила бунинг аксини кўрамиз, десак муболаға бўлмас. Пул — қадрсиз, нарх-наво осмонда, кундалик эҳтиёж моллари тақчил.

ЖАВОБ: — Мен 31 йиллик фаолиятим давомида бундай аҳволни энди кўриб турибман. Лекин, нима деса бўлади, элга келган «тўй». Ўқитувчи ҳам жамиятнинг бир бўлаги. Иқтисодий ва сиёсий бухронлар (инқирозлар) улар ҳаётини четлаб ўтмаслиги табиий. Бунинг устига бошқа ҳар қандай касб эгаларига қараганда ўқитувчиларнинг бўш вақти кам. Бир ёқда дарс, бир ёқда дарсга тайёргарлик, уй ишлари... Унинг ишбилармонлик, тадбиркорлик жабҳаларида қатнашиш имкониятлари ниҳоятда чегараланган. Бозор бир ғор экан: тўлиб тўйдиргунча, йўғонлар чўзилиб, ингичка узиларкан. Яхшиямки, бахтимизга одилона ҳукуматимиз, оқил Президентимиз бор экан, энг кўп ғамхўрлик муаллимларга кўрсатилмоқда. Касаба уюшмалари фаолияти ҳам бутун чоралар билан ўқитувчи ва тарбиячилар турмуш тарзи шароитларини яхшилашга қаратилмоқда.

Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида Президентимизнинг фармонлари дадил ва шаҳдам қадам бўлди. Бунга айрим мисолларни келтираман. 102 ўқитувчимиз ночорликдан коммунал хўжалик уйларида яшардилар. Катта иноят туфайли уларнинг уйлари ҳусусийлаштириб берилди. Табиий газ ва электр қувватининг нархлари ўсиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг маорифчилар учун бепул этилгани яна бир илтифот бўлди. Миннатдормиз!

Пахта якка ҳокимлиги туфайли томорқалар «кесилди». Айниқса, ўқитувчилар бир оёқда туриб ҳам томорқаларига сиғмадилар. Буни шу нарсада ҳам кўрса бўладики, имконият туғилиши биланоқ янги уй-жой қуриш ҳақида аризалар туша бошлади. 155 ўқитувчидан ана шундай аризалар олдик. Ҳозиргача улардан 139 нафари ўртача 12 сўтихдан ер билан таъминланди. Бу қутлуғ танобларга яшаш шароитини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мева, кўк ва сабзавотнинг ўз томорқангдан чиқиши ҳам ҳар ҳолда рўзғор учун далда. Бир туп мевали дарахт эксанг, унинг савобига нима етсин! Халқимиз айтмоқчи, бир туп тут экқан қирқ йил марварид теради.

САВОЛ: — Қанчалик ноҳуш бўлмасин, энди аён бўлиб қолди: ўқитувчилар узоқ яшамас экан. Айтайлик, юз ёшга кирган бирор собиқ ўқитувчини ҳалигача учратганим йўқ. Муаллимларнинг кўпчилиги касалманд.

ЖАВОБ: — Ҳа, ўқитувчилар соғлигини муҳофазалаш жуда муҳим вазифа. Биз бу борада мақтана олмаймиз. Лекин қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиляпмиз. 22 ўқитувчини қўшни жумҳуриятлар ва Ўзбекистон ҳудудидаги дам олиш уйлари ва даволаниш оромгоҳларига йўлланмалар билан таъминладик. Бундай имтиёздан, хусусан, Абдупатто Ҳожиматов, Абдумалик Иброҳимов, Алижон Азимов ва бошқалар баҳраманд бўлдилар. Лекин, ишонингки, ҳамкасбларимиз орасида бундай дардга чалинганлар жуда кўп. Уларнинг дардига малҳам қўйиш янада кўп ғамхўрликларни талаб этади. Бу масала билан юқори раҳбарлик идоралари ҳам жиддий шуғулланадиган вақт етди.

САВОЛ: — Ёш ўқитувчи аёлларга яратилган шароитлар қандай?

ЖАВОБ: — Ноҳиямизда 243 аёл таомилдаги ҳомиладорлик ҳамда фарзанд кўриш муносабати билан белгиланаётган имтиёзлардан фойдаланди. Шунга қўшимча ҳар бир ҳомиладор аёлга фарзанд кўргунга қадар ҳар ойда 40 сўм 80 тийинликдан маблағ берилиб, бу маблағга савдо тармоғи орқали озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

САВОЛ: — Фахрийларга кўрсатилаётган ёрдам қандай бўлмоқда?

ЖАВОБ: — Ўқитувчилар энг кам таъминланган эдилар. Айниқса, ўқитувчи фахрийлар... Буни таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Қўлимиздан келгани нима? Яқинда 8 муаллим оиласи оғир фожиага дучор бўлди. 3-мактабдан Аҳмаджон Алиев, 6-мактабдан Муҳаммаджон Нуриддинов, 3-мактабдан Солижон Шокиров ва бошқаларга 3 минг сўмгача ёрдам кўрсатилди. Яна 12 киши яхши иш ташкил этгани учун 150—160 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

САВОЛ: — Янги ишга келган ёш ўқитувчиларга қандай ёрдам кўрсатиляпти?

ЖАВОБ: — Улар ўқитувчиларга берилган барча имтиёзлардан фойдаланишяпти. 33 ёш муаллим назоратимизда. Уларнинг кенг фаолият кўрсатишлари учун ҳамма имкониятларни яратиб бермоқчимиз. Умуман, бутун диққат-эътиборимиз бундан буён ҳам ёш авлодга таълим-тарбия берувчиларнинг турмуш тарзи яхшиланишига, бу борадаги Президентимиз фармонларини изчил амалга оширилишига қаратилаверади.

Суҳбатни жамоатчи мухбиримиз Машрабжон РАҲМОНОВ олиб борди.

Лицей ҳаётидан суратли лавҳа

МУНОСИБ ВОРИСЛАР





Мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқболини муносиб кадрлар билан таъминлаш вазифаси айни даврда республикамиз халқ таълими тизимига улкан масъулиятлар юкламоқда. Бундай вазифалардан келиб чиқиб, таълим мазмуни замон талабларига мос даражада босқичма-босқич ўзгартирилянти. Ана шундай ўзгаришларни ўқув даргоҳларига янги техника воситаларининг кириб бориши бир-биридан зиёда ўқитиш услубларининг яратилаётганлиги, мазмунан алоҳида хусусиятга эга ўқув даргоҳларининг очилаётгани ва ҳоказолар мисолида кўриш мумкин.

Тошкент шаҳридаги 306-лицей ҳам таълим борасида янги, жуда масъулиятли вазифаларни бажариш учун барпо этилган эди. Унинг ишга тушганига атиги бир йил бўлди. Лекин шу қисқа даврда ўқув даргоҳида талайгина тажрибалар тўпланди. Ҳозир у ерда синов асосида саралаб олинган иқтидорли болаларнинг яширин қобилиятларини очиш, уларни техникага оид фанларни ихтисослаштириш бўйича салмоқли ишлар олиб бориляпти. Қуйида ана шу лицейнинг бир кунлик ҳаётига оид суратли лавҳалар билан танишасиз.

ЛИЦЕЙ техник йўналишда бўлгани сабабли чизмачилик касбини чуқурроқ ўрганишга тўғри келади. Тошкент давлат техника дорилфунунининг катта ўқитувчиси Бусора Тиллахўжаева лицейнинг 10-синфида «Техник чизмачилик ва саноат эстетикасига оид дизайн» курсини ўтайди. Бўлғуси муҳандислар учун энг зарур бўлган чизмачилик касбини ҳамда санъат эстетикасига оид муҳим маълумотларни лицей ўқувчилари қунт билан ўрганмоқдалар.

ТАЪЛИМ мазмунини янгилаш ва ривожлантириш учун фанга оид дарслар билангина чекланиб қолиш нотўғри бўлур эди. Бу борада синфдан ташқари ўқишларга, ўз севган машғулотлари билан шуғулланиб, фаол ўтказишларига ҳам айрича аҳамият бериш лозимдир. Шу тариқа, инсон тафаккурига атрофлича таъсир этиш орқалигина таълимда туб ўзгаришлар ясаса бўлади. Биз ҳикоя қилаётган ўқув даргоҳида эса фанларга оид тўғарак машғулотларига ҳам энг зарур, эркин, янгиликка бой сабоқ соатлари сифатида қаралади.

Суратда риёзиёт фанидан тўғарак машғулоти олиб борилаётган пайт тасвирланган. Тошкент давлат техника дорилфунунининг доценти, физика-риёзиёт фанлари номзоди А. Атаматов мазкур тўгаракни бошқаради.

ТЕХНИКАГА оид фанларни чизмачилик мутахассислигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Буни лицей болалари яхши тушунишади. Шунинг учун улар ушбу машғулотни энг муҳим сабоқ деб қабул қиладилар. Ҳолбуки, бўлажак муҳандис чизмаларни яратиш, бу борадаги масала топшириқларини аниқ бажариш кўникмасини чуқур эгалласа, у келажакда техник ижодкорлик маҳоратини эркин ва тўлалигича намойиш эта олиши мумкин. Шу боис лицейнинг 10-синф талабалари Моҳира Рашидова (чапда) ва Манзура Мирзаевалар барча эътиборларини чизмачиликнинг энг мураккаб томонларига қаратишади.





МУЛОҲАЗА

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Бизнинг олдимизда ўзбек педагогика фани методологик асосларининг долзарб муаммоларини ишлаб чиқиш соҳасида жуда мураккаб вазифалар турибди. Булар республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, мактаб ўқувчиларига таълим ва тарбия бериш самарадорлигини янада такомиллаштириш, ёшларнинг ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиясини ошириш кабилардан иборат.

Айниқса, ҳозирги замон шароитида, янги кишини шакллантириш, ўқувчиларда мустақил дунёқарашни таркиб топтириш ўзбек халқ ўқитувчиларининг энг муҳим вазифасидир.

Халқимиз хатарли итоатқорликдан қутулиб, жумҳуриятимизда вужудга келган демократия ва ошкоралик шарофатида эркин яшаш, баракали меҳнат қилиш йўлларини ўрганишимиз ва ёш авлодга ўргатишимиз зарур. Ҳақиқий мустақиллик эса ҳамма меҳнаткаш халқимиз ва зиёлилар бирлашиб, бир ёқадан бош чиқаришларини тақозо қилади. Йғвогарларга қулоқ солмай, ҳаммамиз бирлашиш орқали бузилган тарихимизни, адабиётимизни ва миллий анъаналаримизни тиклашимиз мумкин.

Бу йўлда ўқувчиларга билим беришнинг асосий оғирлиги муаллимлар зиммасига тушади, улар халқ учун эзгулик йўлида беназир хизмат қилишлари лозим.

Ахир, элимизнинг келажаги бўлган ёш авлодга таълим ва тарбия беришдек нозик масалада эҳтиёт бўлиш, болаларнинг тақдирини ҳар қандай ноқобил кишилар қўлига топширмаслик керак. Зеро, ўқитувчи болаларга ўқиш-ўқитиш ишларини олиб борувчи билимдон шахс бўлибгина қолмай, таълим билан тарбияни бирга қўшиб, амалий равишда етказадиган, халққа ғамхўр ва уларни доим нурли йўлга бошлаб борувчидир.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўқитувчилик касбини юксак баҳолаган, шу билан бирга, муаллимларнинг обрў-эътиборини ниҳоятда юксакларга кўтариб, камтарин меҳнатини қадрлаган ва бедор заҳматларини ҳеч қандай хазина билан тенглаштириб бўлмайди, деб айтган. Аминмизки, ана шундай ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнатини қадрлайдиган кунларга келамиз.

Шу муносабат билан ҳозирги замонамиз тараққиёти, мактаб ислоҳоти педагогика фанининг янги ривожини, янада самарали тадқиқот ва изланишларини талаб этмоқда.

Биз ўз ишимизни, қанчалик қийин бўлмасин, ана шу талаблар асосида қайта қуришимиз, республикамиз мустақиллиги, тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

М. АЗИМБОЕВА,
Тошкент шаҳридаги 150-мактаб ўқитувчиси.

Ҳунар-техника билим юртларида

ЁШЛАР ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

Яқинда Оҳангарондаги деҳқон бозорида қизларнинг кийимлари, аёлларнинг уй халатлари ва бошқа рўзғор буюмлари билан савдо қилувчи қизлар пайдо бўлди. Уларнинг атрофида харидорлар гавжум бўлиб, сотилаётган нарсалар ҳам унчалик қиммат эмас, дўконлардаги нархларнинг ярмисига тўғри келарди. Бундан ташқари, буюмлар дўконлардагидан анча сифатли тайёрланган. Сотувчилар билан қизиқдим.

— Биз шу ерликмиз, — дейишди қизлар, — 23-ҳунар-техника билим юртидамиз, ўзимиз тиккан кийимларнинг намуналарини сотаяпмиз.

— Бозор иқтисодига ўтилиши муносабати билан билим юртимиз ҳам хўжалик ҳисоби сари бормоқда, — деди билим юртининг катта устаси Абдумалик Йўлдошев, мени тикувчилар тайёрлаш хонасига бошларкан. Хонада ўндан ортиқ тикув машинаси бўлиб, қизлар моҳир муаллима Э. Пак раҳбарлигида бичиш-тикишни ўрганишар, тайёрланган маҳсулотларни ноҳия маиший хизмат корхонаси орқали сотувга ҳам чиқаришарди. Бозорда М. Қурдошева, С. Полушкина ва Е. Федоровалар тиккан кийимларнинг харидоргир эканлигини бу ерда алоҳида фахр билан гапиришмоқда.

Бош уста мени дурадгорлар тайёрловчи хонага бошлади. Бу ерда ҳам ўқувчилар кучи билан кичик андавалар, пол ювгичлар, кичик-кичик сандиқчалар ясалади. Билим юртининг уста-ўқитувчиси Б. Юсупов ва М. Мансурхоновлар раҳбарлигида ҳунар ўрганаётган ўқувчилар фақат ўтган ярим йилнинг ўзида билим юрти ҳисобига 5 минг 800 сўмдан кўпроқ маблағ келиб тушишига эришди. Тушган маблағнинг 2 минг сўми ўқувчиларнинг ўзларига берилиб, қолган маблағга билим юрти учун асбоб-анжомлар, фан кабинетларига турли ускуналар сотиб олинди.

Пайвандчилар тайёрлайдиган гуруҳда ўттиздан ортиқ ўқувчи таълим олади. Д. Пирназов, Д. Мўминов сингари ўқувчилар тайёрлаётган ускуналар ўзининг сифати билан бошқаларникидан ажралиб туради. Ўтган қисқа муддат ичида билим юрти ўқувчилари кучи билан 420га яқин турли ҳажмдаги дарпардалар тикилиб, харидорларга сотилди. Билим юрти ҳаётидан бундай ибратли ишларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу ерда ўқувчилар дурадгорлик, пайвандчилик, автослесарлик, тракторчилик, ошпазлик, тикувчилик, чилангарлик ва пармалаш касбларини ўрганмоқдалар. Ҳозирги кунда билим юртида таълим олаётган 700 га яқин ўқувчининг ҳаммаси турли касбларнинг устаси бўлиб етишмоқдалар. Булардан ташқари, билим юртининг шахсий хўжалиги ҳам бор. Бу ердаги 5 та транспорт, 4 та ҳайдов трактори, 6 та автомашина аҳоли учун хизмат қилади. Айни пайтда билим юрти ўқувчилари 30 гектар майдонга кузги буғдой экдилар.

— Билим юртимизга ноҳия ва шаҳардаги барча ташкилотлар амалий ёрдам беришмоқда, — дейди биз билан суҳбатда ўқув юрти директори Руфат Авясов, — аммо ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Жумладан, билим юрти ёнидан яна ўнлаб гектар ер олишимиз зарур. Ўтган йилдан бошлаб Оҳангарондаги қишлоқ хўжалик муассасалари учун ҳам малакали ишчилар етиштираяпмиз. Шу мақсадда трактор-чилар курсини очганмиз. Кейинроқ ноҳиямизнинг асосий тармоғи бўлган чорвачилик учун ҳам ишчилар тайёрлашни йўлаяпмиз. Бунинг учун ноҳия раҳбарлари бизга озгина бўлса-да, имкониятлар яратиб беришлари керак...

Дарҳақиқат, ноҳиядаги 39-ҳунар-техника билим юрти билан мазкур ўқув даргоҳи бирлаштирилгандан сўнг бу ерда қишлоқ хўжалик муассасалари учун малакали ишчилар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аммо қишлоқ хўжалиги мутахассисларини ерсиз, тракторларсиз, чорвасиз, боғларсиз тайёрлаб бўлмаслиги аниқ. Афсуски, ноҳиядаги айрим ташкилотлар, жумладан, умумий овқатланиш муассасалари 23-ҳунар-техника билим юртида ошпаз ва қандолатчилар тайёрланаётганига қарамай, ўнлаб мутахассисларни бошқа шаҳарлардан олиб келаётгани, маҳаллий мутахассислар эса бекор юргани кишини ажаблантиради.

Билим юрти малакали кадрлар етиштириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ноҳия аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси билан шарт номалар тузган. Бироқ маиший хизмат кўрсатиш комбинати ўз зиммасидаги шартларни бажармаяпти. Натижада билим юртининг кабинетларидаги айрим тикув машиналари вақтида таъмирланмайди, тикиш учун материал танқислиги ҳамон сезилиб турибди, билим юрти ётоқхоналарини жиҳозлаш, ўқувчиларга зарур шароитлар яратиш ишлари ҳам айрим оталиқ ташкилотларининг айби билан яхши йўлга қўйилмаган.

— Яна бир эътирозимиз бор, — дейди билим юртининг катта устаси Абдумалик Йўлдошев. — Кўпчилик мактабларнинг раҳбарлари бизга ҳамон тарбияси қийин ўқувчиларни юборишаётир. Бу эса ишимизни орқага сурмоқда.

Мўмин ҚАЮМ.

ЭСКИ АНЪАНАЛАРНИ ТИКЛАЙМИЗ

Тошкент ноҳиясида биринчи ярим йиллик якунларига кўра улкан январь педагогик кенгашлари ўтказиш анъаналарини тиклашга қарор қилинди. Январь кенгашида Тошкент ноҳия халқ таълими бўлими мудири У. Х. Маҳмудов маъруза қилди.

У ўқув йилининг дастлабки икки чораги якунларига тўхталиб ўтди. Бу даврда, аввало, навбатдан ташқари аттестация ўтказилди. Унинг якунларига кўра 7 ўқитувчи ва халқ таълими бўлимининг бир методисти олий тоифа олишга муяссар бўлди. 407 педагогга биринчи тоифа берилди.

Ярим йиллик мобайнида ноҳия халқ таълими бўлими фаолиятидаги энг муҳим масала — таълим-тарбия жараёни устидан назорат олиб бориш кун тартибидан тушгани йўқ. Ноҳия методика кабинети ташаббуси билан 3, 18, 25, 30-ўрта мактабларда методик ҳафталиклар муваффақиятли ўтди.

Таълимнинг янги шаклларини ташкил этиш юзасидан изланишлар давом эттирилди. Айрим мактабларда араб тили, биология, химия фанлари чуқур ўрганиладиган синфлар очилди. 3-мактабда гимназия синфлари ташкил этилди.

Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Янги йил арафасида 93 нафар педагогнинг ҳар бири 60 сўмдан қўшимча маош олди. Бу мақсадлар учун жами 5580 сўм сарфланди. Бундан ташқари, айрим ўқитувчилар маоши ижтимоий фондлар ҳисобига ўртача 35—40 фоиздан оширилди. Халқ таълимининг 196 вакили хусусий уй-жой қурилиши учун ер участкалари олди.

Халқ депутатлари Тошкент район кенгашининг раиси Рустам Раҳбарович Акбаров йиғинда нутқ сўзлади. У ноҳияда педагогларни уй-жой, озиқ-овқат моллари билан таъминлаш юзасидан ноҳияда қандай ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида гапирди. У ўз нутқида барча фанлар (жумладан, бошланғич синфларда ҳам) ўқитувчиларининг дарсларни энг яхши ташкил этганликлари учун танлов эълон қилишни таклиф этди. Танловда биринчи ўринларни эгаллаган ғолиблар катта ва чиройли гилам, иккинчи ўринларни эгаллаганлар тақир гилам билан мукофотланишади. Учинчи ўринни олганлар рағбатлантирувчи пул мукофотлари билан тақдирланишади.

А. БАЯНОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Ильич ноҳиясидаги 10-мактабнинг жуғрофия фани ўқитувчиси Матумар Шоимов 26 йилдирки ўқувчилар онгига беқиёс ернмиз сарҳадлари ҳақидаги тушунчаларни сингдириб келаяпти. У мактабда севимли муаллим бўлса, уйда меҳрибон ота.

Тасвирда: М. Шоимов онласи даврасида.

Тасвирчи: Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЯНА МУАММОЛАР ҲАҚИДА...

МАКТАБЛАРНИ ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ АНЖУМАНДА ТУҒИЛГАН БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўтган ҳафта Тошкентдаги «Ўқитувчилар уйи»да республика халқ таълими ходимларининг «Дарсликлар, ўқув-методика адабиётларини яратиш, нашр этишни такомиллаштириш ҳамда бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш йўллари» мавзуида анжумани бўлиб ўтди. Унда вилоятлар маорифи вакиллари, олимлар иштирок этдилар.

Анжуманни Республика ўқув-методика марказининг директори Н. Мирқурбонов очиб, муҳокама этиладиган масалаларнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида батафсил сўзлади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ўз маърузасида таълимдаги муаммолар, хусусан машғулотларда фанлараро боғлиқликни таъминлаш, дарсликларнинг ёзилиш савияси, дин ва мактаб, ўқитувчи режа ва дастурининг номувофиқлиги, дунёвий илмларни ўқувчилар онгига тўлалигича етказиш каби масалаларга тўхталди.

— Таълим тизимини мевали дарахтга қиёслаш мумкин, — деди «Ўқитувчи» нашриётининг директори О. Мирзаев. — Дарахтнинг илдизларидан бири бизнинг нашриётдир. «Ўқитувчи» нашриёти ҳар йили 20 миллион нусхадан ортиқ дарслик чиқаради. Шунга қарамай, у нашриётларнинг энг камбағали бўлиб келган. Ҳозир уни қийин аҳволдан чиқаришнинг йўлларини излаяпмиз. Дарсликлар муқовасининг сифати яхшиланди, бироқ ички мазмунда бироз оқсаяпмиз, уларнинг кўпчилиги сиёсатлаштирилган. Бундан ташқари, муаллифларга тўланадиган қалам ҳақи анча кам.

Китобларни машаққат билан чиқараяпмиз, лекин уларни асрай билмаймиз. Дарсликнинг муқаддас нарса эканлигини жойлардаги ўртоқлар тушуниб етмаётганга ўхшайдилар. Аммо шуни қувонч билан қайд этиш керакки, баъзи ноҳияларда китобларни қайта таъмирлайдиган кичик устахоналар очилаяпти. «Маърифат» рўзномасида эълон қилинган маълумотномага қараганда, Сирдарё шаҳар босмахонаси маъмурияти мактаб ўқувчисининг ўзлаштириши ва қулқи тўғрисидаги табелларни излаш машаққатидан педагогларни ҳоли қилиш масъулиятини ўз зиммасига олибди. Табеллар асосида тузилган «Ўқув дафтари» кўпчилик муаллимларга маъқул ва манзур бўлиши турган гап. Буни «Ўқитувчи» нашриётига берилган моддий кўмак деб тушунмоқ керак.

— Ўқув йили давомида 7 тилда 27 миллион нусха дарслик жойларга етказилди, — деди ўз нутқида Халқ таълими вазирлигининг дарсликлар нашрини режалаштириш ва ҳужжатлар бўлими бошлиғи Ш. Шомансуров. — Афсуски, матбуотда ҳамон дарслик етишмайди, деган фикрлар баён қилинаётир. Дарсликлар етишмаслиги сабабининг илдизлари қаерда? Бунда айб мактаб раҳбарларининг аксариятига бориб тақалади. Мактаблар, ноҳия халқ таълими бўлимида шу соҳага мутасадди бўлганлар буюртма бериш иши билан шуғулланмайди. Масалан, бизга Андижон вилоятининг Булоқбоши ноҳияси мактабларида дарсликлар етишмаяпти, деган мазмунда хабар келди. Бориб танишдик. Маълум бўлишича, улар 14 номдаги дарсликка буюртма берishмабди. Биз эса ҳар йили рўзномада буюртма бланкаси ҳақида тушунча берамиз.

Халқда шундай мақол бор: «Қарс икки қўлдан чиқади». Шунинг учун шаҳар (қишлоқ) кенгашларининг мактабларга панжа орасидан қарашига йўл қўймаслик, илм маскани раҳбари ёки илмий бўлим мудирининг кутубхоначи билан баҳамжиҳат ишлаш услубини янада жонлантириш, мактаб кутубхонасини мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш йўлларини қидирмоғимиз лозим.

Икки кун давом этган анжуманда, шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳининг доценти А. Рафиев, Ўзбекистон Республикаси китоб савдоси бирлашмасининг бошлиғи Т. Никонорова, техника фанлари доктори М. Зиёҳўжаев, Республика ўқув-методика марказининг таҳририят ва нашр бўлими бошлиғи З. Қобилова, профессорлардан А. Рўзиев, Ж. Икромов, Р. Мавлонова, К. Назаров, Ўзбекистон халқ таълими вазири муовини М. М. Қурбонов ва бошқалар сўзга чиқиб, янги дарсликларни яратишнинг аҳволи, муаммолари ва уларга қўйиладиган талаблар, мактабларни миллий ва минтақавий адабиётлар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг маънавий саводини чиқариш каби масалалар хусусида гапирдилар.

Нотиқларнинг чиқишларидан сўнг ҳар бир иштирокчида мавжуд аҳволни яхшилаш ва жонлантириш юзасидан ёрқин тасаввур пайдо бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, олдинга қўйилган мақсад сари, қай тарзда интилиш лозимлиги хусусида кўплаб таклифлар, истаклар, мулоҳазалар айтилди. Лекин, шу ўринда бизда бироз эътирозлар ҳам туғилди. Кўпчилик ўртасида бирон-бир ғоя, муаммоли фикр билан чиқиш унча қийин эмас. Аммо баъзи бир дуч келинадиган тўсиқларни қайси усуллар билан енгиш йўллари ҳақида нотиқлар афсўски мулоҳаза юритмайдилар. Мана, иш услубимизни кўринг, дейдиган мардингина ўзи йўқ. Минбарга чиққанларнинг аксарияти «керак», «лозим», «зарур» каби сўзларни қўллаб, жойларда амалга оширилаётган ижобий, ибратли ишлардан жонли мисоллар келтирмадилар. Наҳотки намуна этиб кўрсатиладиган жиҳатлар бўлмаса? Наманган, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда шу соҳа бўйича қатор илғор тажриба мактаблари мавжудлигини тилга олиб ўтиш ўринли бўларди.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан бундай масканлардаги тажрибаларни ўртоқлашиш бироз қийинлашади. Бироқ у ёки бу соҳада мукаммал вариантлар ишлаб чиқилса, Халқ таълими вазирлиги унинг учун маблағни аямаслиги аён. Фақат умумий фаолиятга имкон, хоҳиш керак.

(Давоми 3-бетда).

Дарсларни кузатганда

ЗИЁБАХШ МАСКАН АРО

Яна Фарғона музофотининг Қува ноҳиясидамиз. Ноҳия халқ таълими бўлими мудири Маҳмуджон Расулов нима мақсадда келганлигимиз билан қизиқди.

Бирор мактабга бориб, дарс кузатиш мақсадимизни айтдик.

— Марҳамат, — деди мудир. — Улуғбек номидаги мактабга боринглар, методистлар ҳам сизлар билан бирга бўлишади. Натижасини биргалашиб муҳокама қиламиз.

Халқ таълими бўлими методисти Иномжон Ҳамидов билан йўлга тушдик. Бизни мактаб директори ва шу ўқув даргоҳи бошланғич таълим бўйича директор ўринбосари Шокиржон Болтабоев илиқ қарши олишди. Суҳбатимиз ҳам бошланди. Ҳозир мактабда ўқишлар бир сменада олиб борилар экан. Бу ерда тўлиқ беш кунлик ўқишга ўтилса ҳам бўлади, аммо айтишларича, одамлар ҳозир бунга руҳий жиҳатдан тайёр эмаслар (ўқитувчилар бундан мустасно). Мактабнинг моддий базаси замонавий ўқиш талабларига жавоб бермайди. Шунга қарамасдан, муаллимларнинг оғир меҳнати, бошқаришни янада такомиллаштириш йўли билан фанлардан анчагина дуруст натижаларга эришилган. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари яхши.

Мана, оддий қишлоқ мактаби. «Қишлоқ» сўзини қўшиб айтганда, тасаввуримизда қандай манзара намоён бўлади, билмадим. Аммо бу мактабда ҳамма нарса саранжом-саришта. Ўқувчилар ҳам озода кийинишган. Мактаб ҳовлиси, синф хоналар, бино йўлаклари чиннидай ярақлайди.

Ҳозир мактабда 882 ўқувчига 67 нафар муаллим турли фанлардан сабоқ беради. Ўқув даргоҳида даражаланган маошга ўтилган. Яъни, аввал муаллимлар тоифаланмасдан, балки уларнинг меҳнати табақалаштирилганди. Ўқитувчининг меҳнатига қараб мустақил равишда «ижодкор ўқитувчи», «илғор ўқитувчи» ва «катта ўқитувчи» табақалари таъсис этилганди.

«ОЧИҚ ДАРС» ТАВСИФИ

Бошланғич синфда ўтилаётган таълимни кузатаяпмиз. Муборак опа Холматова машғулотни давом эттирмоқда. Режага мувофиқ 7 ёшли 3-синф ўқувчиларига риёзиёт фанидан дарс ўтилиши керак экан. Биз ҳайъат аъзолари танаффус пайтида синфхонага кириб бордик. Муаллима ва синф навбатчиси хонани сабоққа ҳозирлардилар.

— Бугун очиқ дарсингиз бўларкан-да? — сўрайман ўқитувчидан. Кутилмаганда мезбонлар ҳайрон бўлишди. Шунда Муборак опа ўртадаги сукутни бузди.

— Мактабимизда очиқ дарс тушунчаси йўқ, — деди у. — Хоҳлаган киши истаган пайтда хоҳлаган дарсига кириши, сабоқ олиши, дарсни таҳлил қилиши, хулосаларини синф дафтарига ёзиши мумкин.

Шунда ўйланиб қолдим. Ҳақиқатан, шундай эмасми? Ахир, дарсингизда бир соат иштирок этмоқчиман, деган кишини ўқитувчи, йўқ, ҳозир тайёргарлигим яхши эмас, деб кўксидан итарганини эслолмайман. Кўпчилик эса «очиқ дарс» тушунчасини бошқача қабул қиламиз...

БИР АСАР ТАҲЛИЛИ

Машғулот рисоладагидек бошланди. Дарс муқаддимасида болалар 1991 йил Навоий йили эканлигини эслашди. Улардан айримлари шоирнинг инсоний фазилатларига доир қатор ҳикматли сўзлари, афоризмлари, шеърларидан ўқишди. Эътибор беринг: болалар чуғур-чуғур қилиб, бу йил Навоий туғилганига 550 йил тўлганини, унинг туғилган маскани Ҳирот экани, Октябрь инқилобига қадар Осиёда чегара бўлмаганини айтишди. Аниқ фикр билдириш мумкинки, бундай далилларни билиш 3-синф ўқувчисидан қатъий талаб этилмайди. Аммо болалар Ширининг ҳаётда йўқлигини, у Навоий муҳаббат билан яратган образ эканлигини айтганларида, янада ҳайратландик. Мана шунда асрлар синовидан ўтган фалсафа — машқ қилишда гап кўп эканлигига яна бир марта имон келтирдик. Зеро, Навоийга таалуқли далиллар ҳар дарсда айтилавериб, болалар онгига синғиб кетган эди.

Ўтган дарсда кўп хонали сонларни қўшиш ва айиришга доир мисол ва масалалар ечилган экан. Бу машғулотнинг бош қисми ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва уйга берилган топшириқларни кузатишга кетди. Болалар синф тахтасида бирма-бир чиқиб мисол ва масалалар ишлашди. Мана шу мустаҳкамлаш жараёнида парталар қатор жойлашган ўқувчи бўғинлари орасида мусобақа уюштирилди. Мана, ўнлаб мисоллардан бири: 8267—4137=4130.

Бу мисоллар ишланаётган пайтда ўқитувчи болаларга биттадан карточка улашди. Карточкаларга кўп хонали сонларга оид турли амалли мисоллар битилган. Бу мисолларнинг жавоби ўқитувчи қўлидаги қоғозда ёзилган. У болаларнинг исм-шарифини эмас, балки уларга қўйилган сонни айтиб чақиради. Бу ҳам вақтни тежаш учун ўйлаб топилган услуб. Ўқувчилар оғзаки ечган мисоллардан бирини келтирамиз: 795—613=182.

Шундан сўнг зудлик билан яна карточка тарқатилди. Энди бу карточкаларда 5-6 тадан турли амалли мисоллар берилган. Уни ишлаш учун атиги бир минут вақт ажратилди. Ўқувчилар оғзаки, белгиланган муддатдан олдин тўғри жавоб қайтаришди. Кўриниб турибдики, болалар учун бундай мисолларни ечиш, турли машқларни кейин жуда осон бўлиб қолган. Улар бирорта хатога йўл қўйишмаяпти. Агар ўқитувчи шу ўринда дарсга ижодий ёндашмаса, машғулот жуда зерикарли бўлиб, у болаларни толиқтириши ва натижасизга айланиши мумкин. Аммо Муборак опа оқил йўлни танлади. Яъни у ўқувчиларнинг математик тез фикрлаш қобилиятини ўстиришга асосий эътиборни қаратди. Болалар йўл-йўлакай тезкорликда баҳоланиб борилаверди. Унга кўра, яна иккинчи бўғин биринчи ўринни эгаллади.

Синф тахтасига янги мавзу ёзилди: РИЕЗИЁТГА ОИД ДИКТАНТ.

Ўқувчилардан бири ўзи тўқиган диктантни секинлик билан айтди. Яъни: «Менинг 900 дона саноқ чўпим бор эди. Уларни тўққиз нафар ўқувчига бўлиб бердим. Ҳосил бўлган чўплар миқдорига яна тўққизта чўп қўшдим. Неча ҳосил бўлади?

Ўртага чиққан ўқувчи синф тахтасида математик диктантда берилган масалани шундай ишлади: 900:9+9=109.

Навбатдаги ўқувчи айтган масала эса қуйидагича ишланди:

1000:10—3=97.

Ўқитувчи савол берди: — Болалар, бу мисолларда нега қавс ишлатилмайди? Ахир, бир неча амалли мисол ва масала ечганимизда, одатда қавс ишлатардик-ку?

Ўқувчиларнинг жавобига кўра, ифода тузилмаган мисол ва масалаларда қавс ишлатилмайди.

Синф тахтасига яна янги мавзу битилди: Кўп хонали сонларга доир масала ва мисоллар ечиш.

Бу дарсда соддадан мураккабга қараб ҳаракат қилишни кузатиш мумкин эди. Яъни навбатдаги мисол ва масалалар ҳиламураккаблашиб қолди. Муаллима дафтаридаги масалани ўқиди: «Давлат хўжалиги давлатга 3350 тонна пахта топшириш мажбуриятини олди. У аввал 4 минг 200 тонна, сўнг шу миқдорнинг ўндан бир қисмича қўшимча пахта топширди. Энди шундай савол туғилади: давлат хўжалиги мажбуриятини неча тонна ошириб бажарди?»

Бир ўқувчи синф тахтасига чиқиб, ҳеч қандай ёрдамсиз, мустақил равишда қуйидагиларни ёзди:

Топшириши керак — 3350 т.

Терди — 4200 т.

Иккинчи ўқувчи чиқиб қуйидагиларни ёзди:

Яна 3350 тоннанинг ўндан бир қисми.

Демак, режани қанча ошириб бажариши керак эди?

Навбатдаги ўқувчи қуйидагиларни ёзди:

Ечиш: 1) 3350:10=335 т.
2) 4200+335=4535 т.

Яна бир ўқувчи шундай савол берди:

— Хўш, режа қанча ошириб бажарилди?

Яна бир ўқувчи синф тахтасига мана буларни ёзди:

Жавоб:
3) 4535—3350=1185

Биз дарсга ҳалақит бермасдан секин болалар дафтарини текширамиз. Уларнинг кўпчилиги масалани ўтирган жойларида аллақачон ечиб бўлишганди. Дафтарларида эса ушбу жумла ёзилганди: демак, хўжалик йиллик режани 1185 тонна ошиғи билан бажарибди.

Энди навбатдаги мисол янада мураккаблашди. Яъни: оғзаки равишда яхлитлаш усули билан қўшиш ва айириш вазифаси топширилди. Мисолнинг берилиши шундай:

78+19=78+20—1.

Болалар бунинг жавобини оғзаки равишда айтиб қўйишди. Энди уни қай услубда ишлаш муаммоси турарди. Шунда бир ўқувчи мисолни синф тахтасига қуйидаги тартибда ёзиб ишлади:

1) 78+19=97
2) 78—19=59.

Болалар бир мисол ёки масалани ишлаб, таҳлил қилиб бўлишлари билан яна янги топшириқ бошланади. Орадаги ҳар бир дақиқа ҳисоб-китобли.

Ўқитувчи навбатдаги масалани шундай айтди: битта ходани болалар беш бўлакка бўлишди. Ҳар бир бўлакка уч минут вақт кетди. Жами неча минут вақт сарфланди?

Болалар бир овоздан «15 минут» дея жавоб қайтаришди.

(Давоми 3-бетда).

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Маърифат ва маданият. «Маданият» тушунчаси ҳам «маърифат» тушунчаси каби кўп маънога эгадир. «Маданият» сўзининг 100 тага яқин маъноси бор. Жуда умумий маънода олганда, маданият деганда инсониятнинг воқеликни ўзгартиришга, инсоннинг имкониятлари ва заифликларини аниқлаб, ривожлантиришга қаратилган ижодий фаолияти тушунилади. Маданиятни моддий (техника, моддий бойликлар) ва маънавий (илм-фан, санъат, фалсафа, ахлоқ ва шу кабилар) қисмларга бўлиш одат бўлган.

Маърифат билан маданиятнинг боғлиқлиги аллақачоноқ пайқаб олинган. Аммо бу алоқанинг туси турлича баҳоланади. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, маданиятнинг ривожланиши маърифат ривожланишининг ўзидир. Кундалик онгда ҳам шу нуқтаи назар жуда кўп тарқалган. Бу фикр маърифат даврида юзага келган бўлиб, Вольтер, Тюрго маданиятни, аввало, ақл-заковатнинг ривожланиши деб билган эдилар. Бу ўринда миллат ёки маданиятнинг «маданийлиги», «маърифатлилиги» ибтидоий халқларнинг «ёввойилиги» ва «бадавийлиги»га қарама-қарши қўйилган эди.

(Бошн ўтган сонларда).

Шу билан бирга XIX асрдаёқ юзага келган бошқа бир ёндашув маданият ва маърифат тушунчалари ўртасидаги фарқни аниқ белгилаб берди. Чунончи, немис файласуфи О. Шпенглер (1880—1936 йиллар) саккизта маданиятни ажратиб кўрсатди. Уларнинг ҳар бири ўз ҳаётида бир қанча босқичлардан ўтади ва барҳам топиш пайти келганда маърифатга айланади. Маданиятдан маърифатга ўтиш ижодкорликнинг, қаҳрамонона ишларнинг инқирозини билдиради, бу пайтга келиб, бадиий ижодкорлик кераксиз бир нарсага айланиб қолади. Механик тарзда бажариладиган иш тантана қилади. Бу ёндашувнинг тарафдорлари маданият ривожланишидаги ўзаро боғлиқлик ва давомийликни инкор қиладилар.

«Қадриятлар» назарияси (М. Вебер ва бошқалар) ривожланиши билан «маърифат» ва «маданият» тушунчалари яна бир-бирига яқинлашди. Маънавий маданият деганда биринчи галда муайян жамиятга хос бўлган қадриятлар ва ғоялар тизими тушунила бошлайди. Қадриятларнинг айни шу тизими у ёки бу маърифатга яхлитлик ва бетакрор ўзига хослик бахш этади.

ЯГОНА ЖАҲОН МАЪРИФАТИ ЁКИ МАЪРИФАТЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ.

Тарих фанида ва жамиятшуносликда анча пайтдан буён дунё ягона маърифат сари силжиб бораяптими (унинг қадриятлари бутун инсониятнинг мулки бўлиб қолаяптими) ёки маданий-тарихий хилма-хиллик тамойили сақланиб қолиб ва ҳатто ривожланиб бораяптими (у ҳолда жамият мустақил равишда ривожланадиган бир қанча маърифатлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаяптими) деган масала устида баҳс давом этмоқда.

Юқорида тилга олинган фикрлардан сўнггисининг тарафдорлари ҳаёт қобилиятига эга бўлган ҳар қандай организмнинг (шу жумладан, одамлар ҳамжамиятининг ҳам) ривожланишига хилма-хиллик асос бўлади, деган шубҳасиз фикрни таъкидламоқдалар. Барча халқлар учун умумий бўлган ягона қадриятлар, ҳаётий тарзларнинг оммалашуви эса инсоният жамиятининг ривожланишига чек қўяди.

Иккинчи томоннинг ҳам салмоқли далил-исботлари бор. Маърифатга эришишнинг баъзи бир асосий, муайян маърифат томонидан ишлаб чиқилган шакллари ёппасига тан олиниб, оммалашиб бориши таъкидланмоқда ва ижтимоий-тарихий тараққиётдан олинган аниқ-равшан далиллар билан мустаҳкамланмоқда.

Чунончи, қуйидагилар Европа маърифатида туғилган бўлса ҳам, аммо ҳозир умумбашарий аҳамият касб этаётган қадриятлар жумласига киради.

Жамиятнинг атроф-теваракдаги воқелик билан муносабатлари соҳасида бу қадрият ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда эришилган даражадан, фан-техника инқилобининг янги босқичи туфайли юзага келган замонавий технологиялардан иборат.

Иқтисодиёт соҳасида умуммаърифий негиз мол-пул муносабатлари тизимини, бозорнинг мавжудлигини ўз ичига олади. Инсоният орттирган тажрибанинг кўрсатишича, ҳозирча одамзод ишлаб чиқаришни истеъмол билан оқилонароқ қиёслаш имконини берадиган бошқа ҳеч қандай воситани ишлаб чиққани йўқ.

Сиёсий соҳада демократик меъёрлар асосида иш кўрувчи ҳуқуқий давлат умуммаърифий негизга киради.

Маънавий соҳада илм-фан, санъат, маданиятнинг буюк муваффақиятлари, кўпгина авлодлар тафаккури ва ижодкорлиги самаралари барча халқларнинг муштарак ютуғидир.

Ахлоқий муносабатлар соҳасида бу — умумбашарий маънавий қадриятлардир.

Шахснинг жамиятдаги мавқеи жаҳон маърифатини таҳлил этишнинг энг муҳим ижтимоий ва маънавий жиҳатидир. Ҳўш, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий эркинлиги даражаси қандай? Уни баркамол ривожлантириш, ҳилма-хил манфаатлар ва эҳтиёжларни рўёбга чиқариш учун ижтимоий шарт-шароит борми? Бу саволларга қайтариладиган жавоблар у ёки бу ҳамжамият маърифатлилигининг даражасини белгилаш имконини беради.

Бу ўринда биз умумбашарий негизлар намоён бўлишининг асосий жиҳатларинигина санаб ўтаяпмиз. Уларни келгусида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

ЖАҲОН МАЪРИФАТИ ТАНГЛИККА УЧРАШИ ХАВФИ БОРМИ?

Ҳозирги замон маърифати ҳали узилкесил таркиб топишга улгурмасданоқ бутун инсониятни қуршаб олган ўткир муаммолар юкига бардош бера олмай ҳалок бўлиш хавфи остида турибди, деган гапларни тез-тез эшитиб турибмиз. Бу муаммолар жаҳоншумул муаммолар деб атала бошлади. Ядро уруши фалокати хавфи, экология хавфи шу муаммолар жумласига киради, экология хавфининг оқибатлари ядро урушининг оқибатларидан кам эмас. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тобора ортиб бораётган тафовут оғир ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб бориши мумкин.

Жаҳоншумул муаммолар бутун одамзодга хавф солиб турибди, албатта. Аммо уларни ҳал этиш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги тафовутлар нақадар чуқур бўлмасин, уларнинг ҳаммаси куч-ғайратларини бирлаштиришни, кооперациялашни талаб қилади. Бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини қийинчилик билан бўлса ҳам биргаликда қидириш жараёнида одамзод дунёсининг ички бирлиги ҳам ривожланиб бораверишн кўриниб турибди.

САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Биз «ишларни маърифий тарзда юритайлик», «маърифатли мамлакатлар» деган иборани ишлатганимизда маърифат тушунчасини қай маънода идрок этамиз? Бу тушунчанинг бошқа маъноларини айтиб беринг.

2. Маърифат билан маданият ўзаро қандай боғланган?

3. Тадқиқотчилар формациявий ёндашув доирасида «синфлар», «базис», «устқурма» тушунчаларини тез-тез ишлатадилар. Маърифий ёндашув доирасида воқеликни ўрганганда, сизнинг фикрингизча, қайси тушунчалардан фойдаланиш керак?

4. Ўрта асрлардаги Европа маърифатини таърифлаб беринг. Феодал ижтимоий-иқтисодий формациясининг асосий белгиларини айтинг. Қайси масалалардаги жавоблар бир-бирига мос келди-ю, қайси масалаларда ҳар хил бўлиши керак?

(Давоми бор).

ЗИЁБАХШ МАСКАН АРО

(Боши 2-бетда).

Савол: Тўртта ходани беш бўлакдан қилиб бўлиш учун қанча вақт кетади?

Болалар жавоби: бир соат. Бир соатда эса 60 минут бор.

Энди ўқитувчи ўқувчиларга тезкорлик билан квадрат чизишни таклиф қилди. Болалар бу топшириқни ҳам тезда бажаришди. Шундан кейин берилган масала шартлари мустақил ва синф тахтасида қуйидагича ишланди:

X—65=8, X=175—18,
X=157, 157+18=175,
X+18=175, X=85+65,
X=150, 150—65=85.

Муаллима дарснинг бошидан охирига қадар кам вақтда кўпроқ натижага эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги сезилиб турарди. Айтиш мумкинки, бу мақсадга тўлиқ эришилди. Дарсда болаларнинг бошланғич таълим доирасида тўлиқ риёзиёт тушунчасига эга эканлиги, энг муҳими, мустақиллиги намоён бўлди. Ўқитувчи масаласига келганда, дарсни қандай тасвирлаганимиз ўқувчига ҳавола, аммо у мазкур машғулотни қойиллатиб ўта олди. Мана шунда ҳайъат аъзолари олдида 24 йиллик иш стажига эга бўлган муаллима Муборак опа Холматованинг тажрибакорлиги, дарс вақтидан ҳар тарафлама, унумли фойдалана олиши, муҳими, унинг олий тоифали номга муносиблиги яна бир бор исботланди.

ТАФОВУТМИ, ТАСОДИФ?

Агар бошланғич синф билан юқори синфлардаги умумий аҳволни солиштириб кўрсангиз, улар орасида табиийдан ташқари тасодифий тафовутнинг борлигига ҳам гувоҳ бўласиз. Уларни асосан бошланғич синфдан кейин болалардаги хатнинг кўпроқ салбий томонга ўзгаришида, ўқишга қизиқишнинг сусайишида, дарсларни нисбатан ўзлаштиролмаётгани ва ҳоказоларда кўриш мумкин. Биз мактабдаги 9-«Б»синфга ана шундай тафовутларни кузатиш учунгина кирмагандик, балки мақсадимиз юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчиси риёзиётдан ўтиладиган мавзуда қанчалик мазмун таҳлилига эътибор беришларини кузатиш эди. Лекин биз кирган 9-синфга олий тоифали ўқитувчи Зулфия Аҳмедованинг тасодифан биринчи соат дарс ўтиши экан. Демак, Зулфия опа биз учун ҳам, ушбу синф учун ҳам «бир соатлик ўқитувчи» эди.

Галдаги машғулотда биз кутаётган воқеа содир бўлармикин? Яъни ишонч оқланармикин? Дарс бошланишидан олдин қаршимизда ана шундай саволлар турарди.

Синф тахтасига мавзу ёзилди. Ўтган дарсда квадрат тенгламалар билан танишилган бўлиб, муаллима келаси машғулотда график тенгламаларни ўтиш лозимлиги ҳақида қисқача тушунча бериб ўтди.

Очиғини айтганда, ўтилган м а к т а б доирасида соддадан мураккабга қараб йўналишнинг юқорироқ чўққисига чиқилгани учунми, билмадик, хуллас, берилган мисол ва масалалар хийла оғир ва мураккаб эди. Бу ерда ўқувчилар квадрат, илдиз сон, каср сон, аралаш сонлар иштирокида синф тахтасида мисол ишлашди. Болалар кўп туртинишди, қийналишди.

Ўқувчиларда математик тушунча бор, лекин математик мустақиллик етишмайди.

Муаллима эса дадил, билимдон, эркин эди. У мисол ва масалаларни ишлашда бир неча вариантлардан эркин фойдаланарди. Муҳими, у атрофдагилар эътиборини ўзига жалб қилиб, ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира олди.

Аммо, нима бўлганда ҳам, 45 минут ичида кам масала-мисол ишланди, муаллим дарсда олдига қўйган мақсадига мукаммал эришолмади. Афсуски, бу ўринда сустлик ва бошланғич синф билан ўртадаги тафовут учун «бир соатлик ўқитувчи»ни айблаш мутлақо нотўғри бўлур эди. Аксинча, муаллиманинг маҳорати таҳсинга сазовор. (Техник имкониятлар торлиги сабабли айрим риёзиётга оид амалларни тасвирлай олмаймиз). Акс ҳолда бу дарсни ҳам мукаммал келтириб, хулоса чиқаришни газетхон ҳукмига ҳавола қилган бўлардик.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Биз ушбу мақола жараёнида Қувадаги бир илм даргоҳининг айрим қирралари, икки муаллиманинг иш фаолияти, ўзига хос дарс ўтиш услуби ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Бу мактабнинг ҳам, унда келажак авлодга сифатли таълим бераётган муаллимларнинг ҳам ҳали ибрат олса арзийдиган томонлари кўп. Бу ҳақда, эҳтимол, вақт-соати билан батафсилроқ тўхталиб ўтармиз. Жумҳуриятимизда бу каби ўқув даргоҳлари талайгина. Ана шундай билимхона, маърифатхонада бўлганингда, беихтиёр кишининг кўнгли яйрайди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
мухбиримиз.

ЯРАТИШ МАШАҚҚАТИНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ



Инсон боласи дунёга келиб, ўзлигини идрок этибдики, доим эзгуликка интилади. Ҳаётда ўз ўрнини топишга, жамиятнинг етук кишиси бўлишга, имконияти, куч ва билимини Ватани, халқи фаровонлиги йўлида сарфлашга, унга хизмат қилишга интилади. Улуғ мақсад йўлида ҳормай-толмай ҳаракат қилган, сидқидилдан интилган одам, шубҳасиз, ўз орзу-ниятига етади, дўстлари, ёру биродарлари, устозлару шогирдлари орасида юзи ёруғ бўлади.

Биз қуйида фикр юритмоқчи бўлган қаҳрамонимиз — Самарқанд давлат дорилфунуни ўзбек классик адабиёти кафедрасининг пешқадам домлаларидан бири, филология фанлари доктори, Журналистлар уюшмасининг аъзоси, педагог ва журналист Шавкат Холматовдир. У ўзининг дарслик ва қўлланмалари, адабиётшунослигимизнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-назарий мақолалари билан жумҳуриятимизда танилган олимлардан.

У Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, академик Воҳид Абдуллаев бошлаб берган илмий анъаналарини давом эттираётган Самарқанд адабиётшунослиги мактабининг истеъдодли вакили сифатида жумҳуриятда етук филолог кадрлар тайёрлаш ишига, адабиётшунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Заҳматкаш олим қаламига мансуб «Адабиётшуносликка кириш» (профессор Н. Шукуров билан ҳамкорликда), «Ўзбек халқ оғзаки ижоди», «Ўзбек адабий танқиди тарихи» (профессор Б. Валихўжаев билан ҳамкорликда) номли дарслик ва ўқув қўлланмалари, «Адабий жанрлар поэтикаси», «Ўрта Осиё халқлари адабиётларида масал жанри» номли монографиялари ҳозирги кунда жумҳурият олий ўқув юртларида, ўрта мактабларида муваффақият билан қўлланилмоқда, илму толиблар ва мактаб адабиёт ўқитувчиларининг муҳим илмий-назарий ҳамда методик дастури сифатида хизмат қилмоқда. Ш. Холматов бундай муваффақиятларга осонликча эришгани йўқ, албатта. У оддий меҳнаткаш оиланинг фарзанди сифатида узоқ ва мураккаб изланишлар, ўқиш-ўрганиш, тинимсиз меҳнат асосида шу даражага етди.

Ш. Холматов ёшликдан бошлаб ўқитувчиликка қизиқди. Ўқитувчилик касбининг сирларини ўрганишга, ўзининг фидойи ўқитувчиларига ўхшашга аҳд қилди. Бу қизиқиш уни 1951 йилда Андижон шаҳридаги 4-сон педбилим юртига олиб келди. Техникумда Б. Муҳамедов, М. Орипов, Ф. Қосимова, У. Музаффаров каби мураббий ўқитувчилардан сабоқ олди. Педбилим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш мутахассисни Избоскан ноҳиясидаги 1-ўрта мактабга ишга юборадилар. У ерда физика, тил ва адабиёт фанларидан дарс беради. Бир йил ўқитувчилик қилгач, 1956 йилда Ўзбек давлат дорилфунуни (ҳозирги СамДД) нинг филология факультетига ўқишга киради. Бу ерда академик В. А. Абдуллаев, профессорлар Улуғ Турсунов, Раҳим Муқумов, Н. Шукуров, С. Мирзаев, Б. Валихўжаев, О. Икромов ва бошқалардан ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, халқ оғзаки ижоди, жаҳон халқлари адабиёти фанларидан сабоқ олди. Талабалар илмий тўгаракларида, илмий-назарий конференцияларда адабиётшунослик бўйича турли мавзуларда маърузалар қилди.

— Менинг келгуси тақдиримни устозларимнинг мароқли лекциялари, ҳолисона маслаҳат ва йўл-йўриқлари белгилади, десам хато бўлмайди, — дейди олим. — Биринчи курсда ўқиб юрганимдаёқ менда адабиёт назариясига, айниқса адабий жанрлар тарихи ва назариясига кучли қизиқиш пайдо бўлди. Бу қизиқиш ўқишни тугатиб, Тошкентда «Фан ва турмуш» ойномасида ишлаб юрганимда ҳам тинчлик бермади.

— «Фан ва турмуш» муҳарририяти менинг иккинчи ҳаёт мактабим бўлди, десам муболаға бўлмас. Чунки олий ўқув юртида олган назарий билимларимни бу ерда амалда синаб кўрдим, қаламим чархланди, журналистика сирларини анча ўрганиб олдим. Шу боисдан журналистика менинг ҳаётдаги иккинчи касбим бўлиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам, Ш. Холматов жумҳуриятнинг етакчи оммавий жаридасида кўп нарсани ў р г а н д и. Журналистлар уюшмасининг аъзоси бўлди. Мана, 20 йилдирки, Самарқанд дорилфунунининг кўп нусхали — «Самарқанд университети» рўзномасининг муҳаррири сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ш. Холматовнинг фанга, илмий ишга қизиқиши уни 1963 йилда яна ўқишга чорлади. Шу йили у СамДД ўзбек адабиёти кафедрасининг аспиранти бўлди. 1966 йилда профессор С. Мирзаев раҳбарлигида «Ўзбек адабиётида масал жанри тарихи очерклари» номли кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан буён СамДД ўзбек классик адабиёти кафедрасида дастлаб ассистент, катта ўқитувчи, доцент, ҳозир эса профессор лавозимида фаолият кўрсатиб, юқори малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Домла Ш. Холматов биринчи навбатда моҳир педагог, етук мутахассис. Талабаларга адабиётшуносликка кириш, ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабий танқиди тарихи каби фанлардан юқори савияда лекциялар ўқийди, студентларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилади. Шу билан бирга олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари, методик тавсиялар яратиш борасида ҳам жиддий ишларни амалга оширмоқда. Ана шулардан бири профессор Н. Шукуров билан ҳамкорликда яратган «Адабиётшуносликка кириш» (1974) қўлланмаси бўлди. Бу қўлланма 1979, 1984 йилларда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 2 марта кўп нусхада қайта чоп этилди. Бу қўлланманинг майдонга келиши илму толибларга, мактаб адабиёт ўқитувчиларига адабиёт назариясининг умумий қонуниятларини кенг ва чуқур ўзлаштиришларига катта ёрдам берди. Жумҳурият илмий жамоатчилиги ҳам бу қўлланмани илиқ кутиб олди. Чунки мазкур қўлланма яратилгунга қадар жумҳурият олий ўқув юртларида адабиёт назарияси бўйича бирорта дарслик ёки ўқув қўлланмаси йўқ эди (қайд этиш лозимки, профессор Иззат Султоннинг 1939 йилда нашр этилган «Адабиёт назарияси», Ф. Саттоbabровнинг «Адабиёт назарияси» китоблари кутубхоналарда умуман учрамайди. Бу китоблар, ҳатто, мутахассисларнинг қўлларида ҳам йўқ). Шу сабабли «Адабиётшуносликка кириш» китоби олий ўқув юртларимизнинг талабалари ва ўрта мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари учун асосий қўлланма бўлиб қолди.

Ш. Холматовнинг 1979 йилда нашр этилган «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» ўқув қўлланмаси ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди фани бўйича жумҳуриятимизда чоп этилган биринчи қўлланма дейиш мумкин. Чунки университетларнинг сиртқи ва кечки бўлим студентларига мўлжаллаб яратилган бу қўлланмада ўзбек халқ оғзаки ижоди курси дастурининг асосий масалалари қамраб олиниб, ҳозирги кунлар талаблари даражасида илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган. Унинг ана шу китоби ҳақида талантли фольклоршунос олим, профессор Малик Муродов илиқ фикрларни айтиб, «Мен Шавкат Холматовни адабиётшунос олим, педагог, инсон сифатида яхши биламан Гарчи ҳажм жиҳатдан кичикроқ бўлса-да, республикада биринчи бўлиб халқ оғзаки ижоди дарслигини яратиб хайрли иш қилди», — деган эди. Ҳақиқатан ҳам, агар Шавкат Холматовнинг қаламига мансуб асарларини кўздан кечирсангиз, у ҳамиша олий мактабда ўқитиш-ўқиш ишларини яхшилаш учун бажарилиши зарур бўлган ишларга биринчилардан бўлиб қўл уришга журъат этганлигини сезишингиз қийин эмас. Унинг 1983-1984 йилларда профессор Б. Валихўжаев билан ҳамкорликда яратган «Ўзбек адабий танқиди тарихи» номли 2 қисмдан иборат ўқув қўлланмаси ҳам, «Ўзбек адабий танқиди» тарихи ўқув дастури ҳам ана шундай ишлардан. Бу қўлланма ва ўқув дастурида ўзбек адабий танқидининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари адабий ҳамда тарихий манбалар асосида конкрет ёритиб берилди. Ишда ўзбек адабий танқидининг илк даврларидан (X асрлардан) бошлаб ҳозирги кунгача босиб ўтган тараққиёт йўли системали тарзда баён қилиб берилдики, ушбу қўлланма ҳозирги кунда ҳам дорилфунун филолог студентларининг асосий дарслиги бўлиб қолмоқда.

Ш. Холматов дорилфунунда талабаларга дарс бериш, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар яратиш билан бирга узоқ йиллардан буён адабий жанрлар тарихи ва назарияси бўйича катта илмий-тадқиқот иши олиб борди. Олимнинг академик Воҳид Абдуллаев ҳамда профессор Сайдулла Мирзаевларнинг умумий раҳбарлигида Ўрта Осиё халқлари адабиётларида масал жанри тарихи ва поэтикаси бўйича яратган докторлик диссертацияси ана шу ишлардандир. Олим ўз диссертациясида адабиётнинг энг қадимий жанрларидан бўлган масалнинг генезиси — шаклланиши ва тараққиёти босқичлари, поэтик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этди. Ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва қозоқ адабиётлари тарихи, бу халқлар фольклори материалларининг қиёсий-типологик таҳлили асосида масал жанрининг тараққиёт босқичларини, формал-поэтик хусусиятларини ўрганди. Ана шу жараёнда жанрлараро муносабат, жанрлар синтези, жанр контаминацияси ва диффузияси масалаларини ишлаб чиқди. Оқибатда олимнинг «Адабий жанрлар поэтикаси» (1980), «Ўрта Осиё халқлари адабиётларида масал жанри» (1990), монографиялари ва «Ўрта Осиё халқлари адабиётларида масал жанри тарихи ва поэтикаси» номли докторлик диссертацияси майдонга келди.

Шавкат Холматовни ўзбек масалчилигини тадқиқ этиш борасида кўп йиллардан бери илмий иш олиб бораётган ягона мутахассис, десак хато қилмаган бўламиз. Олимнинг докторлик иши ҳам қарийб чорак аср мобайнида олиб борган кузатишлари, илмий мушоҳадасининг мантиқий якунидир. Унда мазкур жанрнинг тарихи, ўзига хос ички қонуниятлари, тадрижий ривожланиш хусусиятлари, анъанавий томонлари ҳар тарафлама чуқур тадқиқ этилган. Муаллиф ўз тадқиқотида масал жанрининг пайдо бўлиши ҳамда Ўрта Осиё халқлари адабиётларидаги шаклланиш ва тараққий этиш йўллари, масал поэтикасининг такомиллашуви, унинг ички жанрий хилма-хиллиги ва бошқа масалаларни батафсил таҳлил этган. Шунингдек, ишда қадимги юнон, ҳинд, араб, форс халқлари адабиётларида мавжуд бўлган масал жанрига оид асарларнинг Ўрта Осиё халқлари адабиётларида ҳам пайдо бўлиши ва ривожланишига кўрсатган таъсири ҳам чуқур очиб берилган. Ш. Холматовнинг адабиётшунослигимизда кам ишланган, долзарб мавзуда яратган яхлит, мукаммал илмий-тадқиқий иши кўп йиллик машаққатли меҳнат ва изланишларнинг маҳсули сифатида юксак баҳоланган.

Олимнинг хилма-хил изланишлари орасида мактаб дарслик ва қўлланмаларига муносабат, мактабда адабиёт ўқитиш муаммолари ўрин олган. «Ҳозиргача б и з н и н г мактаб д а р с л и к л а р и м и з ниҳоятда «сиёсийлашган». Ҳар бир давр, ҳар бир конкрет асарга баҳо беришда мактаб ўқувчисига мураккаб сиёсий воқеа-ҳодисаларни тиқиштирилган. Бу ҳол адабиётни ўқитиш сифатига жиддий таъсир ўтказади. Адабиёт — ҳаётнинг бадиий ифодаси экан, бадиият, манавият адабиётнинг ўзаги экан, уни ўқитишда ҳам айнан шу масалаларга урғу бериш лозим» — олимнинг адабиёт ўқитиш ҳақидаги фикри ана шундай.

Олий таълим аълочиси Ш. Холматов бугун етук, айни «ширага тўлган» адабиётшунос олим.

— Менинг шу даражага эришишимда устозларим ва мен хизмат қилаётган факультет олимлар жамоаси, ҳамкасбларимнинг, дорилфунун маъмуриятининг кўмаги ва хизматлари катта. Улар олдида мен ўзимни доим бурчли деб биламан, — дейди у. Ўйлаймизки, филология фанлари доктори, профессор Шавкат Камолович Холматов бундан буён ҳам ўз сўзининг устидан чиқиб, унга амал қилиб, адабиётшунослигимиз тараққиётига, олий таълимда, мактабда ўқиш-ўқитиш сифатини янада яхшилаш ишига, энг муҳими, етук филолог кадрлар тайёрлашга сидқидилдан хизмат қилаверади.

Х. МУРОДОВ.

ЯНА МУАММОЛАР ҲАҚИДА...

(Боши 2-бетда).

Гапнинг очиғини айтганда, таржима дарсликларининг аксариятидан воз кечишнинг вақти аллақачоноқ етган. Таржима қилинган қўлланмалар ўқувчининг ёдлаш қобилиятинигина ўстиради. Натижада боланинг мустақил мулоҳазалаш, таҳлилий фикр юритиш, тушунчаларни ўзлаштириш лаёқати йўқолади. У н и н г ўқишга бўлган ҳаваси бутунлай сўнади.

Анжуманда сўзлаган нотиқлар дарсликлар муаммоси хусусида фикр юритганларида, олий ўқув юртлари шаънига ҳам танқидий, таҳлилий мулоҳазалар билдирсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди. Ахир, таълим-тарбия ягоналиги тилга олинганда, муаллимлар олий илмгоҳининг тутган ўрни ва унинг мактаб билан ҳамкорлиги ҳам кўзда тутилаётир-ку. Балки, йиллар ўтиб маорифдаги ишлар жой-жойига тушар. Лекин шунгача кутиб, қўл қовуштириб ўтириш адолатдан эмас. Олий ўқув юрти вакиллари, халқ таълими ходимлари барча юмушларда саркор, сарбон бўлмоғи лозим. Чет мамлакатларда маорифга бежиз эътибор кучайтирилаётгани йўқ. Энди чиройли, «қуруқ» гаплардан қочиб, амалий ишларга ўтишнинг, ташаббускор, фидойи, ижодкор шахс бўлишнинг пайти келди.

Анжуманда йиғилганлар чуқур ғояга эга бўлган фикрларни кўпчилик муҳокамасига ташламоқчидай туюлганди. Бироқ бу нарса содир бўлмади. Шунга қарамай, билдирилган баъзи таклиф ва мулоҳазалардан сатрлар келтирмоқчимиз.

Т. Тўрақулов, Гулистон педагогика билим юрти директори:

— Дарсликларнинг аҳволи ҳаммага маълум. Мазмунан саёз ва ночор ёзилган. Энг аввало, уларнинг пойдеворини мустаҳкамламоқ керак. Дарслик — қурол. Бироқ, муаллим нўноқ бўлса, болага яна жабр бўлади. Унга минг хил китоб берсангиз ҳам, ўқувчига тарбия бера олмайди. Истеъдодли педагог ўзининг иқтидорини ҳамиша намоён қилиш қобилиятига эга. У маҳаллий материаллар ёрдамида ўзига хос дарслик яратиб, билимни ўқувчилар онгига қуйиб қўйиши мумкин.

Шу қаторда яна бир таклифни билдирмоқчиман. Айни кунда Ўзбекистон — Туркия маорифчилари алоқалари тикланяпти. Тилагим шуки, республика ижодкор ўқитувчилари гуруҳи туркияликларнинг ўқитиш тизими билан танишиб келишса ва уларнинг ижобий иш услубларини ўз фаолиятларида қўлласалар, айни муддао бўлар эди.

Ҳ. Жумашев, Қорақалпоғистон Республикаси ўқув-методика марказининг директори:

— Ҳар қандай фаолиятда қизиқувчанлик катта аҳамият касб этади. Биз баъзан кўп нарсаларни марказдан кутиб ўтирардик. Натижада самарали ишлаш қобилиятимизни йўқотиб қўйибмиз. Энди бунинг жиноят эканлигини тушуниб етдик. Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, ал-Хоразмий, А. Навоий, Улуғбек берган таълимотларни эсга олмабмиз. Аслида бундай даражага етиш — зиёлиларга ярашмаган иш. Хатоимиз шундаки, ўқув дастурларини олимларга туздириб ўрганиб қолибмиз. Улар қаторига изланувчан ўқитувчиларни қўшишни унутдик. Буни айтганимнинг сабаби бор. Қўнғирот ноҳиясининг чекка қишлоғида яшаётган оддий муаллим олимлар яратган математика дарслигини янада такомиллаштириш, яъни қўлланмани «ўқитувчибоп» эмас, балки «ўқувчибоп» тарзда яратиш юзасидан мулоҳазаларини билдириб, тақриз ёзибди. Демак, бундай ҳамкорликни шароитнинг ўзи тақозо этмоқда. Фикримизча, бугунгидай анжуманларнинг ўтказилиб турилишини шарт ва зарур, деб ҳисоблаймиз.

Р. Собиров, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот олий билимгоҳининг бўлим мудири:

— Рус мактабларида ўзбек тилини мазмунан кенг кўламда ўргатиш — ҳозирги куннинг энг долзарб мавзусидир. Бироқ ишларимиз бу соҳада сира ўнгланмаётир. Ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг фанларни чуқур ўзлаштиришлари учун ҳозирча матн асосидаги бироз эскирган услубни қўллаяпмиз. Назаримда, мавжуд фанларга оид дарсликларни яратишда мулоқот асосидаги методикани қўлласак, ҳеч ютқазмаймиз. Балки, ихчам дарсликлар яратишда қийинчиликларга дуч келинар. Уни сабр-бардош билан енгиб ўтиш мумкин. Қадимгилар «Йиғлаб-йиғлаб ариқ олсанг, қувнаб-қувнаб суғорасан», деб бежиз айтмаганлар.

А. Дўстматов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги ўқув-методика марказининг директори:

— Ўқув режаси ва дастурини тузишда ўқувчининг руҳини биладиган тажрибали ўқитувчилар билан бамаслаҳат иш тутиш ва шу қаторда ўқувчининг савия даражасини ҳисобга олмоқ керак.

Ҳозир қийин шароитда яшаётганимизни тан олишимиз лозим. Мактабларда аҳвол оғир. Ҳар бир синфдаги ўқувчи 30 нафарга тўғри келади. Шароитимиз яхшиланиб, болалар сонини 15—20 нафарга туширсак, таълим сифати бироз яхшиланган бўлур эди. Фикримча, чет мамлакатлар маорифчиларининг ўқитиш методикасини ҳам ўрганиш ўринли бўлади.

Умуман, бугунги анжумандан уйга кўпгина ўй-истаклар билан қайтаяпман.

Ё. Мадаминов, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини:

— Биз «Ўқитувчилар уйи»ни кўриб, ниҳоятда ҳурсанд бўлдик. Бундай маскан ўқитувчи обрў-эътиборининг ошишида муҳим ўрин тутади, унга ёрдам беради. Ота-боболаримиз: «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг» деб, бежиз айтмаганлар...

• • •

Анжуманда миллий мактабни мазмунан шакллантириш, оила эгаси, оила бекасини тайёрлаш, фанларнинг интеграциясини тузиш, иқтидорли болаларни танлаб ўқитиш ва тарбиялаш, дин ва мактаб муносабатлари ҳақида аниқ йўналишлар, йўл-йўриқлар олдик. Вазирликнинг келажакни ўйлаб «Ўқитувчи», «Соғлиқ», «Истеъдод», «Академик» каби дастурлар устида иш олиб бораётганини билиб қувондик.

Анжуман якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ,
махсус мухбиримиз.

КЎЗГУГА ДОҒ ТУШМАСИН

ХАТЛАРНИ ЎҚИБ...

Таҳририятимизга келаётган ҳар битта хатни маълум маънода эзгуликнинг бир элчиси, даракчиси дейиш мумкин.

Рўзноманинг «Фан, ҳунар-техника, олий таълим» бўлими ўтган йили жамоатчи мухбирлар ҳамда муштарийлардан кўплаб хатлар олди. Энг долзарб муаммоларга бағишланган мақолалар рўзномада имкони борича ёритилди. Уларнинг бир қисмидан эса шарҳларда фойдаланилди, айримларига жавоблар ёзилди.

Қўлимизда яна турли мавзудаги бир даста хатлар бор. Уларнинг муаллифлари ҳам ўз мактублари тақдири билан қизиқаётганлари аниқ. Бу шарҳимизда ана шу мактублар хусусида фикр юритишни лозим топдик.

Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясидан математика ўқитувчиси Р. Ёров йўллаган мактубда ўтмишда математика, тригонометрия, геометрия фанларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган математик олимлардан Ғиёсиддин Жамшид ва Қозизода Румийларнинг ҳаёти ва асарлари тўғрисида маълумот берилади. Лекин муаллиф бу олимларнинг аниқ фанларни ривожлантиришда қандай, қайси жиҳатлари билан ҳисса қўшганликларини аниқ маълумотлар билан ифода этганида, бугунги ўқувчига муҳим бир янгилик берган бўлур эди. Шунинг учун ҳам ундан мақола тарзида фойдалана олмадик.

Пайариқ ноҳиясидаги 60-мактаб ўқитувчиси П. Каримовнинг «Малака оширишдан кейинги ўйлар» номли мақоласида айни кундаги муҳим бир муаммо тўғрисида фикр юритилади.

Ҳар хил харажатларни хомчўт қилиб ҳисоблаганда, ҳар бир малака оширувчининг 156 соат (яъни 1 ой) дарс тинглаши учун 1000 сўмдан зиёдроқ давлат маблағи сарф бўлар экан. Ваҳоланки, малака оширувчиларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди.

Энди муддаога кўчайлик. Бир кунда 6 соат дарс берган маърузачига давлат унинг дарси учун 1000 сўмдан кўпроқ пул сарфлайди. Ёки малака оширишда менинг билимимда 1000 сўмлик ўзгариш ҳосил бўладими? Йўқ, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, К. Пўлатовнинг юқоридаги мулоҳазаларида жон бор. Кейинги пайтларда бундай мазмундаги хатлар таҳририятимизга тез-тез келиб турибди. Ўйлаймизки қанча-қанча маблағлар сарфлаётган тегишли ташкилотлар, келажакда бу ҳақда ўйлаб кўрсалар керак.

Л. Антипованинг «Ҳар бир дарс ақл иши» деган мақоласида ҳам яхши фикрлар бор.

Шунингдек, Наманагандан Жўрахон Тошпўлат ўғлининг «Ёрқин хотира», Н. Отажоновнинг «Ўқитувчи ўқимишли бўлсин», Тошкентдан С. Мўқимовнинг «Устоз», М. Юсупованинг «Педагогик фаолият соҳасида...», Қорақалпоғистондан М. Қурбонниёзовнинг «Методист, педагог, журналист», бўкалик А. Авазовнинг «Яхши дам-меҳнатга ҳамдам», ёзёвонлик Н. Ҳайдаровнинг «X синфлар учун фойдали ўқув», ангренлик Т. Раҳимовнинг «Халқ таълими жонкуяри», Бухородан Ш. Баротовнинг «Моҳир ва камтарин педагог», Й. Ҳайдаровнинг «Муҳим қадам», қаршилик О. Бўриевнинг «Этнография — халқ ҳақидаги фан», сирдарёлик Б. Шерматовнинг «Умр мазмуни» сарлавҳали мақолаларида ҳам кўтарилган масалалар, айтмоқчи бўлган фикрлар тўла очилмай қолган. Муаллифлар ёзиш жараёнида масаланинг мазмуни ва моҳиятига, фикрларни изчил ифода этишга эътибор бермаганлар. Шунинг учун ҳам уларни рўзнома саҳифаларида эълон қила олмадик.

Бўлимга келган яна бир қатор хатлар борки, улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топмадик. Жойларда бўлиб ўтган турли хил анжуманлар, тантанали кечалар, йиғинлар тафсилоти баён қилинган бу хабарларда долзарблик, тезкорлик етишмайди.

Бухоролик А. Музаффаров, Чустдан Муяссар Раҳмон қизи, Тошкент вилоятидан О. Улуғхўжаев, термизлик З. Равшанова, самарқандлик Т. Тўғизбоев, З. Саримсоқов, Зарафшондан С. Сойназаров, Намангандан И. Исмоилов, Ж. Ҳайдаров, Ғ. Абдураҳимов, фарғоналик Т. Умаров, С. Тўраев, Чиноздан М Султонова, Хоразмдан И. Матниёзов, Б. Ёқубов, Қорақалпоғистондан Х. Худоёров, Қаршидан У. Норқобилов ва бошқа бир қатор жамоатчи мухбирларнинг хабарлари таҳририятимизга кечикиб келганлиги учун улардан фойдаланишнинг имкони бўлмади.

З. УСМОНОВА.

РИСОЛАДА ТИЛ ҚИЁФАСИ

ТАҚРИЗ

Яқинда Ўзбекистон «Билим» жамияти тилшунос олим Ҳайдарали Узоқовнинг «Тил ва инсон қиёфаси» (Т., 1991) номли рисоласини кенг китобхонлар оммасига тақдим этди. Рисола кириш ва хотимадан ташқари «Мантиқ тарозиси», «Фикр тилда намоён», «Сўзлар мантиқи — фикрлар калити», «Телекўзгу ва ҳаёт», «Шевалар — қалбимиз, тил — қиёфамиз» номли мақолалардан иборат.

Рисоланинг «Мантиқ тарозиси» деб номланган қисмида тадқиқотчи ўзбек тилига кириб келган сўз ва атамаларнинг тарихий йўлига назар ташлар экан, бир тилдан иккинчи бир тилга кириб келган сўз ва атамалар маъносини англашдаги тушунмовчиликлар хусусида чуқур мулоҳаза юритади.

Рисоланинг «Фикр тилда намоён» деб номланган қисмида Ҳ. Узоқов тафаккур маданияти юксак, фикрлаш қобилияти кучли халқнинг тили қудратли, луғати янги сўзлар ҳисобига бойиб боришини эътироф этади. «Ўйлаб кўринг, рус тилидан ўтган «архив» сўзи қачонлардан бери ўзбек тили луғатида сақланиб келади. Нега энди архив сўзининг моҳияти ҳужжат сақланувчи эканлигини назарда тутиб, уни ҳужжат асрови тарзида андозалаш мумкин эмас? Ёхуд, русча «канцелярия» сўзини қийналиб талаффуз этиш ўрнига «иш юргизиш», «иш тақсимлаш» бўлими ёки русчанемисча «главбух» (главный бухгалтер) сўзини «бош ҳисобчи» деб аташ мумкин эмас!» (6-7-бетлар).

Рисолада шу каби ижобий хусусиятлар билан бирга айрим нуқсонлар ҳам учрайди. Тилимизга давлат мақоми берилиши муносабати билан матбуотда берилаётган сўз ва атамаларга олим ўрни билан муносабат билдириб ўтмаган. Келгусида бу таклиф инобатга олинса, тилимизнинг бугунги кундаги қиёфаси янада ёрқинроқ акс этган, бўларди.

Б. ЯРАШЕВ,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ҚАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

бўш қолган лавозим ўринларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҚАФЕДРА МУДИРЛАРИ (профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари):

— бошланғич таълим методикаси кафедрасига;
— биология кафедрасига;
— музика ва тасвирий санъат кафедрасига.

ҚАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

— рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасига;
— рус ва умумий тилшунослик кафедрасига;
— олий математика кафедрасига;
— рус ва чет эл адабиёти кафедрасига (2 нафар);

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎҚИТИЛАДИГАН:

— олий математика кафедрасига;
— биология кафедрасига;
— ишлаб чиқариш асослари кафедрасига;
— руҳшунослик кафедрасига (2 нафар);
— география кафедрасига;
— физика кафедрасига;
— жисмоний тарбия кафедрасига;
— ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига;
— рус ва ўзбек тилларида ўқитиладиган математика ўқитиш методикаси кафедрасига.

ЎҚИТУВЧИЛАР:

— география кафедрасига;
— информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедрасига;
— меҳнат ва МТО кафедрасига;
— инглиз тили кафедрасига;
— педагогика кафедрасига;
— ижтимоий-сиёсий, тарих ва сиёсий иқтисод кафедрасига.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

702500, Ангрен шаҳри, 48 — квартал, 1-«В» уй.

МАКТАБДА КИЧИК КОРХОНА

Андижон шаҳридаги 48-ўрта мактаб қошида 1990 йилнинг январь ойидан бошлаб Улуғбек номли кичик корхона ташкил қилинганди. Ҳозир у ерда ишлаётган ўқувчилар 140 сўмдан маош олмоқда.

Абдухалил Қосимов раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоаси мактабнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлашга катта ёрдам қилмоқда.

Кичик корхона қошида ҳозирда тикувчилик цехи билан биргаликда пойафзал тикиш, ёрочга ишлов бериш бўлимни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Кичик корхонадан шу кунгача 8000 сўмлик даромад олинди.

Ш. КЕЛДИЕВ.
Андижон шаҳри.

ОТА-ОНАЛАР МАМНУН

Комсомол ноҳиясидаги «8 Март» номли қишлоқ аҳли учун яна бир қулайлик яратилди. Қишлоқда 844 ўринли мактаб биноси қад ростлади. Қишлоқ аҳли, ота-оналар бу қулайликдан беҳад хурсанд бўлдилар. Чунки қишлоқ болалари шу вақтга қадар узоқ йўлни пиёда босиб, ноҳия маркази Наврўз қўрғонига қатнар эди. Янги мактаб биноси қуриб битказилгач, бу ноқулайликлар барҳам топди. Таълим масканини вилоят хўжаликлар қурилиши трестига қарашли 39-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар.

А. НОРҚУЛОВ.
Сирдарё вилояти.

Қува ноҳиясидаги 84-профилактика-даволаш интернати наинки Фарғонада, балки жумҳурият миқёсидаги намунавий даргоҳлардан ҳисобланади. Интернатда сартарошхона, оёқ кийим устахонаси фаолият кўрсатмоқда. Катта майдонда лимон ва турли хил кўкатлар парвариш қилиниб, айни пайтда 50 та қўйқўзи боқилмоқда. Натижада интернат ҳисобидаги маблағ йил сайин кўпаймоқда.

Суратда: интернат ҳаётидан лавҳалар.

А. ЧАПЛИГИНА суратлари.

ОМАД СЕНГА, «БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ»!

Бошланғич синф умумий таълим мактабининг пойдевори, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Бошда пухта, мазмунли билим олинса, юқори синфларда болалар яхши ўқиб кетадилар. Шунинг учун кўплаб муаллимларимиз бошланғич таълим масалаларини ёритадиган алоҳида педагогик матбуот бўлишини орзу қилишарди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши бу орзу-умидларнинг ушалишига йўл очди: «Бошланғич таълим» ойномаси ташкил этилди. Мана, ойноманинг илк сони қўлимизда. Унинг таҳрир ҳайъати ва мундарижасига кўз югуртирамиз. Бош муҳаррир, филология фанлари номзоди Ўтамурод Нурмуҳамедов, республикамизга таниқли журналист ва адабиётшунос олимлардан ташкил топган ҳайъат аъзоларининг ҳаракатчан ва ташаббускорлигини ойномадаги материалларнинг талаб даражасида эканлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Ойнома Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг табриги билан очилади. Унда шундай дейилади: «Бошланғич таълим» ойномаси кичик ёшдаги ўқувчиларимизга пишиқ-пухта билим ва тарбия беришда йўлланма ҳамда қўлланма бўла оладиган энг яхши илмий-методик мақолаларни нашр этиш билан ўқитувчилар, тарбиячилар ҳамда ота-оналарга бошланғич таълимни янги босқичга кўтаришда, миллий мактабларимиз пойдеворини бунёд этишда доимо мададкор бўлиб қолади... Оқ йўл, сенга, «Бошланғич таълим» ойномаси!».

Академик Восил Қобулов, Ўзбекистон ёзувчилар жамоасининг биринчи котиби Жамол Камол, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Расул Раҳмонов, «Гунча» ойномасининг бош муҳаррири Яйра Саъдуллаева, Самарқанд педагогика олий билимгоҳининг ректори, профессор Ғани Икромов ва бошқаларнинг қутловларида билдирилган ишончлар яна ҳам мазмундор.

«Эзгулик нишони» деб номланган бош мақолада таъкидланганидек, ойноманинг дунёга келиши айни муддао бўлди... Янги ойнома ҳам ўз ўқувчиларини топиб, муштарийлар эътиборини қозонсагина, у сўзсиз ўз олдига қўйган вазифани муваффақиятли бажаришдек мақсадга эришади. Ҳақиқатан ҳам, шу мақсадда унинг илк сонида турли-туман қизиқарли, илмий-методик мақолалар ўрин олган.

Маълумки, биз шу вақтга қадар рус бошланғич синфлари методикаси тарихи билан таништириб, ўзбек бошланғич синфлари методикаси тарихи ҳақида лом-мим демасдик. Чунки бу ҳақда ўзбек тилида материаллар йўқ эди. Шу туфайли ўз миллий методик меросимизга бир назар ташламай, уни пухта ўрганмай, бугунги кун вазифаларини тўла амалга оширишимиз қийин. Шу жиҳатдан педагогика фанлари номзоди Йўлдош Абдуллаевнинг «Ўрта Осиёда биринчи ўзбекча мактаб алифбе китоби» мақоласи муҳим ўрин тутади. Мақолада Саидрасул Саидазизов (1866—1933) ва Мунаввар Қори Абдурашидхоновлар фаолияти ҳақида муҳим янгиликлар ёритилган.

Ойномада бошланғич синф ўқитувчилари кўпдан кутган 1991-92 ўқув йили биринчи синфда она тили фанидан иш режаси, мусиқа дарсларини режалаштириш ҳақидаги материаллар ҳам ўрин олган. Шунингдек, бошланғич синфларда математика ўқитиш юзасидан бир қанча муҳим мақолалар берилган. Маҳаммаджон Аҳмедовнинг «Риёзиётдан таълим воситалари мажмуи», Самарқанд хотин-қизлар педагогика билим юртининг ўқитувчиси А. Умаровнинг «Ўйин — мусобақа — дарс», Гулистон шаҳридаги 9-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Исмоил Қурбоновнинг Пифагор жадвалидан фойдаланишга оид мақолалари шулар жумласидандир.

Ахлоқ-одоб тарбияси шу куннинг долзарб мавзуси бўлиб қолди. Айниқса, миллий тарбия соҳасида бошланғич синфларда ўзига хос вазифалар мавжуд. Буни ойномада берилган доцент Ойша Ҳасанбоеванинг «Одоб дебочаси» мақоласини ўқиган бошланғич синф ўқитувчилари билиб оладилар.

«Бошланғич таълим»нинг илк сонида Қорақалпоғистон республикасининг Тўрткўл ноҳиясидаги 20-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Раъно Сейитмуротованинг «Экологик билим ва тарбия», ўзбек болалар шоири Зафар Диёр ҳақида доцент Чўлпон Ниятов ва тадқиқотчи М. Турдиеваларнинг «Ўлмас сиймо», филология фанлари номзоди Ҳайдарали Узоқовнинг «Тил ва дил тарбияси», Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот олий илмгоҳи жисмоний тарбия ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўлимининг мудири Т. С. Усмонхўжаевнинг жисмоний тарбия беришнинг долзарб масалалари ҳақидаги, Самарқанд давлат университети ўзбек тили кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори Назар Ражабов ва аспирант Алишер Ражабовларнинг «Тарбиянинг ўн хусусияти» мақолалари босилган.

Ойнома саҳифаларида бошланғич таълимга жиддий ғамхўрлик қилаётган жамоа хўжаликлари раҳбарларининг материаллари ҳам ёритилган. Боёвут ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги раиси Султон Раҳмонқуловнинг ташаббусига оид мақола шулар жумласидандир.

Булардан ташқари, ойномада ёритилган «Муҳаммаднинг туғилиши», «Билимлар синови» (М. Нақибжонов), «Доноларнинг доноси» (Р. Юнусова), «Азиз ва фозила мавзулар» (Абдураҳмонов ва Ё. Шарафиддинов), «Келажагимиз истеъдодли ёшлар қўлида» (Ҳ. Қодирова), «Зиёли маскан» (М. Исмоилова), «Бадиий меҳнат асослари» (К. Эгамов), «Бу қизиқ» (Ҳ. Ўлмасова) каби ранг-баранг мавзулардаги материаллар муштарийларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Тоғай ЎРИНОВ,
Қарши давлат педагогика олий билимгоҳи бошланғич таълим она тили ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири, доцент.

ТАРИХЧИ ОЛИМЛАР ҲУЗУРИДА

Октябрь ноҳиясидаги 84-ўрта мактабда пойтахт шаҳар тарих ўқитувчиларининг олимлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни очган Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институтининг директори, тарих фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби К. Фозилхўжаев умумтаълим мактабларида тарих фанининг ўқитилишига донр ҳозирги тўпланиб қолган муаммолар хусусида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг директори, академик А. Асқаров Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишнинг педагогик йўналишларини белгилаш ва ишлаб чиқиш соҳасида ўзи раҳбарлик қилаётган даргоҳ амалга ошираётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди. У тингловчилардан тушган турли-туман саволларга жавоб берар экан, тарих илмини давлат сиёсатидан халос қилиш, тарихий воқеалар ўз вақтида қандай содир бўлган бўлса, уни шундайлигича ўрганиш масаласига алоҳида тўхталди.

— Ўзбекистон халқлари тарихининг тараққиёт даражасини даврлаштиришда, — деди олим сўзида давом этиб, — жаҳон халқларининг цивилизацияси мезонидан келиб чиқиб белгилаш лозим. Зеро, мен билган ва бориб ўрганиб келган илғор мамлакатларда тарих илмини фақат шу мезон асосида ўрганадилар. Бунинг илғор, ижобий томони шундаки, воқеаларга тарихийлик руҳи қайтарилади, ҳар бир халқнинг тарихда тутган ўрни ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига тўғри баҳо берилади.

Учрашув тарих илмини ўқитишга оид кўпгина масалалар ечимини топишга қаратилди.

Ғ. МАХМУДНАЗАРОВ.

БОЛАЛАР БОЛАЛИГИЧА ҚОЛСИН

«Ватанимиз учун, дўстлик, яхшилик ва адолат учун» — Республика кашшофлар ташкилотининг вориси Ўзбекистон болалар ва ўсмирлар уюшмаси ўзига шу шиорни танлаб олди.

Бир-бирига интилиш, бир-бири билан алоқа қилиш болаларга хос фазилатдир. Шу сабабли кашшофлар ўзларининг охирги слётида собиқ ташкилотни бутунлай тарқатиб юбориш тарафдорларига қатъиян қарши чиқишди. Тўғри, мазкур ҳаракат ҳаддан ортиқ сиёсийлаштирилиши натижасида кўпгина фазилатлари — унга хос бўлган жўшқинлик, баҳодир яшнаб турадиган болаликнинг ўзига хос нафосати йўқола бошлади. Айни вақтда бирлашиш, умумий ишга даҳлдорлик, меҳрибонлик сингари фазилатлар ҳамон сақланиб қолган эди...

Болалар билан ишлашдек нозик ишда тавакkал қилиб бўлмайди. Шу боисдан сиёсий ва тўраларча сафсатабозликдан қутилиб, болалар ва ўсмирлар уюшмаси фаолиятида узоқ йиллар мобайнида тўпланган барча ижобий хислатларни сақлаб қолишга қарор қилинди. Энди у мафкурадан холи этилган демократик ташкилот бўлиб, болалар ва ўсмирларнинг ҳамда улар бирлашмасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган, умуминсоний қадриятлар йўлида фаолият кўрсатадиган ташкилотдир. Ҳар қандай бола ёки ўсмиргина эмас, айни вақтда катта ёшдаги кишилар ва ҳатто бутун-бутун жамоалар — жамиятлар, клублар унга аъзо бўлиши мумкин.

Уюшманинг рамзий белгилари, нишонлари ўзгартирилади. Кўпчиликка ўз болалик йиллариданоқ маълум бўлган бир одат, яъни қизил галстуксиз болалар ва қизларни мактаб остонасига йўлатмаслик одати мозийга чекинди. Энди ҳар бир отряд ўқувчи галстук тақиши ёки тақмаслигини ўзи ҳал қилади. Октябрятликка ҳам белгиланган тартибга кўра қабул қилмайдиган соврин олиб кетсин. Энг кам ҳисоб-китобларга қараганда, фестивални ташкил этишга 120 минг сўм сарфланади. Ҳомийларни қидиряпмиз. Уларни топишимизга ишонаман. Фестивалдан ташқари ҳали ўйлаб қўйган тадбирларимиз қанчадан-қанча. Уларни амалга ошириш учун кўп сарф-ҳаражат қилиш керак бўлади. Лекин биз ҳамма вақт қўлимизни кимгадир чўзиб илтижо қилишни хоҳламаймиз ва бундай қилмаслигимиз керак. Республика ҳукуматига ташкилотимизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини сўраб мурожаат этдик. Тижорат ишлари билан ҳам шуғулланиб кўрмоқчимиз. Тўғри, бунинг учун аввалига бироз сармоя керак.

— Яқинда биз ўзбекистонлик бир ўқувчи «Артек» деб аталган собиқ Бутуниттифоқ лагерлари Тошкентга келишади. Фестивалимиз кўпинча эътибордан, меҳр-оқибатдан четда қолаётган бу болалар учун ҳақиқий байрамга айланишини хоҳлаймиз. Ғолибларгина эмас, фестивалнинг ҳар бир қатнашчиси ҳам ўзи билан қандайдир соврин олиб кетсин. Энг кам ҳисоб-китобларга қараганда, фестивални ташкил этишга 120 минг сўм сарфланади. Ҳомийларни қидиряпмиз. Уларни топишимизга ишонаман. Фестивалдан ташқари ҳали ўйлаб қўйган тадбирларимиз қанчадан-қанча. Уларни амалга ошириш учун кўп сарф-ҳаражат қилиш керак бўлади. Лекин биз ҳамма вақт қўлимизни кимгадир чўзиб илтижо қилишни хоҳламаймиз ва бундай қилмаслигимиз керак. Республика ҳукуматига ташкилотимизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини сўраб мурожаат этдик. Тижорат ишлари билан ҳам шуғулланиб кўрмоқчимиз. Тўғри, бунинг учун аввалига бироз сармоя керак.

— Яқинда биз ўзбекистонлик бир ўқувчи «Артек» деб аталган собиқ Бутуниттифоқ кашшофлар лагерида дам олиши учун 10—11 минг сўм керак бўлишини ҳисоблаб чиқдик. Қандай даҳшат, — дейди М. Раҳимбердиева. — Илгари республикамиздан 2 мингга яқин қиз ва ўғил болаларни дам олиш учун «Артек»ка юборардик. Уларнинг кўпчилиги ишчи ва деҳқонларнинг фарзандлари бўларди. Йўлланмаларнинг кўпи текин бўлиб, унинг ҳақини давлат тўларди. Ҳозир бундай имкониятдан умид қилиб бўлмайди. Шу сабабли болалар ва ўсмирлар уюшмаси марказий кенгашининг бошқаруви Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари, кооперативлар, қўшма корхоналарнинг раҳбарларига мурожаат қилади: биз шартномавий асосда ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ходимларингизнинг болалари «Артек»да дам олишини хоҳласангиз, йўлланмалар сотиб олинг. Қолган ишларнинг ҳаммасини — билет сотиб олиш, болаларни кузатиб боришни ўз зиммамизга оламиз.

Ҳозир республика уюшмасида ота-оналари жон-жаҳдлари билан интилган тақдирда ҳам йўлланма сотиб ололмайдиган минглаб фаол, қобилиятли болалар бор. Айни вақтда Ўзбекистонда Қора денгиз соҳилидан қолишмайдиган Чимён, Зомин, Ҳамзаобод ва шу сингари гўзал масканлар бор. Шу ерларда йил бўйи ишлайдиган болалар марказини нима сабабдан қурмаслик керак? Бунга меҳнат жамоалари, ишбилармонлар хоҳиш билдиришса, сахийлик кўрсатишса, кўнгилдагидек иш бўлур эди. Зотан, бизнинг асосий бойлигимиз болалар эканлиги ҳақиқатдир!

А. ИВАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

Бу—қизиқ!

ОМАДСИЗ КУЁВ

Қоҳира. Ошиқ-маъшуқлар бир-бирлари билан дийдор кўришиш учун қандай усулларни ўйлаб топишмайди, дейсиз. Араб мамлакатларида ҳамон амал қилиб келаётган ислом шариатига кўра куёв ўз қайлиғини биринчи марта тўйдагина кўради. Бироқ қувайтлик йигит Аҳмад ўзининг уддабуронлиги туфайли келинни кўриш у ёқда турсин, ҳатто узоқ вақт давомида унинг ота-онаси уйида бемалол учрашиб юрган. Йигит аёллар кийимини кийиб олиб, қайлиғи ёнига бемалол кираверган.

Қувайтда чиқадиган «Араб таймс» газетасининг ёзишича, бу найранг беҳосдан фош бўлиб қолган. Аҳмад автомашинада қайлиғининг уйига бораётганида миршаблар нимадандир шубҳаланиб уни тўхтатишган. Миршабхонага келгандагина чодра ичидан аёл киши эмас, балки йигит чиқиб қолган.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

6219-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00 Босишга топширилди 20.00. Тиражи 140000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12